YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 28-avgust, juma
№106 (5326)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Конференция

ФАОЛИЯТДА ЯНГИ БОСҚИЧ

«Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида навбатдан ташқари конференция ўтказилди. Унда бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Бу вазифаларни самарали амалга ошириш эса иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги очиқ мулоқот ҳамда ижтимоий шерикликка бевосита боғлиқ.

Навбатдан ташқари конференцияда «ТТЗ» АЖ бош директори Улуғбек Маткаримов, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов ва бошқа масъуллар иштирок этди. Улар конференция делегатлари ва касаба уюшмаси фаолларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 35 йиллиги билан табрикладилар.

Конференция кун тартибидаги асосий масалалардан бири жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўлди. Муҳокамалар якунида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси маблағининг 3 фоизини касаба уюшмасига ажратиш белгиланди. Бу қарор касаба уюшмасининг ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари янада кенгайишига хизмат қилади.

Йиғилишда асосий ишдан озод этилган касаба уюшмаси раиси лавозимини таъсис этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Делегатлар ушбу таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Гулширин Юллибаева касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди. Шунингдек, қўмитанинг янги таркиби, тафтиш комиссияси ва унинг раиси ҳам сайланди.

Конференцияда қабул қилинган қарорлар ходим манфаатларини ҳимоя қилиш ва жамоада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Илҳомжон КАМОЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири

АМЕРИКАДАГИ ВАТАНДОШЛАРДАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА МАКТУБ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ МУНОСИБ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

Ватанимиз Мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига АҚШ ва Канадада яшаётган ватандошларимиздан мактуб келди.

Давлатимиз раҳбарига йўлланган ушбу мурожаат «Vatan Global Alliance» жамияти раиси Озод Солиев, Ўзбекистон халқ артистлари Эзро Малаков ва Муҳаббат Шамаева, Филадельфиядаги «Ватан» жамияти раиси Садулло Аҳмедов, Нью-Йоркдаги «Ватан» жамияти раиси Бахтиёр Қодиров ҳамда Америкада яшаб турган 500 нафар ватандошимиз томонидан имзоланган.

Қуйида мурожаат матни тўлиқ ҳолда ҳавола этилади.

«Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Биз, Америка Қўшма Штатлари ва Канадада яшаётган ватандошларингиз, Сизга чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, ушбу Мурожаатни йўлламоқдамиз.

Яқинда Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар биз учун океан ортида яшаб, қалбан Ватан билан ҳамнафас бўлган ватандошларни бир мақсад ва бир туйғу атрофида жамлаган муҳим маънавий воқеага айланди.

«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобида тасвирланган Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти йўлидаги кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора юксалиб бораётган нуфузи ҳақидаги фикрлар ватандошларимизда катта қизиқиш ва мамнуният уйғотди.

Тақдимотлар давомида билдирилган самимий фикрлар, Ватанимизда кечаётган ўзгаришларга бўлган юксак қизиқиш ва ватандошларимиз қалбидаги фахр туйғуси бизга яна бир ҳақиқатни кўрсатди: Океанлар ва минглаб чақирим масофалар бизни Ватандан ажрата олмайди. Қаерда яшамайлик, барчамизни бирлаштириб турадиган ягона ва азиз Ватан – Ўзбекистондир!

Муҳтарам Президент!

Сизнинг раҳбарлигингизда бугун мамлакатимиз ўз сўзи, қатъий позицияси, очиқ сиёсати ва аниқ тараққиёт мақсадларига эга бўлган давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Биз, хорижда яшаётган ватандошлар, бу ўзгаришларни, айниқса, яққол ҳис қилмоқдамиз.

Бир вақтлар чет элларда, хусусан, Америка Қўшма Штатлари ва Канадада истиқомат қилаётган ватандошлар учун Ватанга бориш, ўз яқинлари билан дийдорлашиш, Ўзбекистон билан эркин ва яқин муносабат ўрнатиш турли қийинчиликлар билан боғлиқ эди.

Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Сиз бошлаб берган очиқлик ва халқпарварлик сиёсати туфайли хориждаги ватандошларга бўлган муносабат янги босқичга кўтарилди. Улар билан мулоқот қилиш, уларни эшитиш, Ватан билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг билим, тажриба ҳамда имкониятларини Ўзбекистон тараққиётига жалб этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилаётгани бизга алоҳида ғурур ва мамнуният бағишламоқда.

Сизнинг АҚШ Президенти Дональд Трамп билан олиб бораётган бевосита ва ишончли мулоқотингиз, олий даражадаги учрашув ва телефон суҳбатлари, шунингдек, АҚШ ҳукумати, Конгресси ва ишбилармон доиралари билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик Ўзбекистонга нисбатан Америкадаги эътиборнинг тобора ошишига хизмат қилмоқда.

Бугун икки давлат ўртасида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда янги имкониятлар очилаётганини кўриб турибмиз.

Муҳтарам Президент!

Сиз олиб бораётган сиёсат бизга нафақат янги имкониятлар яратмоқда, балки зиммамизга катта масъулият ҳам юкламоқда.

Биз хорижда яшаб, Ўзбекистондаги жараёнларни фақат кузатиб турувчи инсонлар бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз ҳозир яшаб турган мамлакатларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўлишимиз, Ватанимизнинг ҳақиқий қиёфасини кенг жамоатчиликка етказишимиз, унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашимиз ҳамда Ўзбекистон билан дунё мамлакатлари ўртасида янги дўстлик ва ҳамкорлик кўприкларини қуришимиз зарур.

«Vatan Global Alliance» жамияти Америка Қўшма Штатлари ва Канадада яшаётган ватандошларимизни бирлаштириш, уларнинг интеллектуал, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини умумий эзгу мақсадлар атрофида жипслаштириш ҳамда Ўзбекистон билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Биз АҚШ Конгресси аъзолари, жумладан, конгрессменлар Брайан Фитцпатрик, Брэндон Бойл, шунингдек, штат ва шаҳарлар даражасидаги давлат ва жамоат арбоблари, губернаторлар ва мэрлар идоралари, ишбилармон доиралар ҳамда турли миллат ва жамоалар вакиллари билан алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз Америка, Канада ва бошқа давлатларда Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ гапирилишини истаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятини, халқимизнинг қадриятларини, бугунги тараққиёти ва улкан иқтисодий имкониятларини дунё жамоатчилигига янада кенгроқ танитишни истаймиз.

Биз америкалик тадбиркор ва инвесторларни Ўзбекистонга жалб қилиш, янги технологиялар, билим ва тажрибаларни Ватанимизга олиб бориш, таълим ва маданий алоқаларни кучайтириш, айниқса, хорижда улғаяётган ёш авлодни она Ватан билан мустаҳкам боғлашни ўзимизнинг муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобининг Америкадаги тақдимотлари яна бир муҳим ҳақиқатни намоён қилди: бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқлар океан ортида яшаётган юз минглаб ватандошларимиз қалбида ҳам акс-садо бермоқда.

Ватаннинг обрўси – бизнинг обрўйимиз.

Ўзбекистоннинг ютуғи – бизнинг ютуғимиз.

Ўзбекистон байроғининг дунё майдонида баланд кўтарилиши ҳар бир ватандошимиз учун фахр ва ифтихордир.

Шу сабабли ушбу мурожаат орқали Сизга нафақат миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз, балки бир муҳим фикрни ҳам етказмоқчимиз:

Биз Ватанимиз билан биргамиз.

Биз қўлимиздан келгунча Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Биз Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишга тайёрмиз.

Биз ўз билимимиз, тажрибамиз, имкониятларимиз, алоқаларимиз ва салоҳиятимизни Ўзбекистонимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этамиз.

Сизнинг Янги Ўзбекистонни янада кучли, фаровон, очиқ ва дунёда муносиб ўрин эгаллаган давлатга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, оилавий хотиржамлик ҳамда халқимиз ва Ватанимиз равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Мустақиллик халқимизнинг энг улуғ неъмати, миллий ғуруримиз ва келажагимиз пойдеворидир. Бугун Янги Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, халқимиз ҳаётидаги улкан ўзгаришлар ва эртанги кунга бўлган ишонч мустақиллигимизнинг нақадар буюк қадрият эканини яна бир бор намоён этмоқда. 35 йиллик қутлуғ сана барча юртдошларимизга, шу жумладан, дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ватандошларимизга муборак бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий ва Ўзбекистонимизнинг дунёдаги мавқеи янада юксак бўлсин».

ЎзА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларни намоён этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида ***«Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон****ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **852** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **604** нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, **115** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **52** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, **81** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **7** нафарини чет эл фуқаролари, **49** нафарини аёл, **37** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **375** нафарини ёшлар ҳамда **63** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди 29-30 август кунлари Ўзбекистонда бўлади.

Бу Модининг Ўзбекистонга тўртинчи ташрифи ҳисобланади. Ташриф давомида икки томонлама муносабатлар, жумладан, савдо-иқтисодий ва стратегик шериклик масалалари муҳокама қилиниши кутилмоқда.

***



2026/2027 ўқув йилидан Тошкент шаҳридаги олий таълим ташкилотларида биринчи смена дарслари соат 08:00 да бошланади.

Янги тартиб пойтахтдаги транспорт оқимини мақбуллаштириш ва тирбандликни камайтиришга қаратилган.

***



2026 йил 1 сентябрдан давлат мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналар тўлови оширилади. Энди боғча пули БҲМга боғланган ҳолда ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 24 августдаги қарорига кўра, 1 сентябрдан БҲМ 412 минг сўмдан 440 минг сўмга ошади.

Мамлакатимиз ва жаҳондаги муҳим янгиликлар билан танишиб бориш учун «Ishonch»нинг Телеграмдаги саҳифасига ўтинг:

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

Абу Райҳон Беруний



УЛАР ЎЗ ЙЎЛИНИ ТОПИБ БОРМОҚДА

Бўка тумани «Рамадан» маҳалласида яшовчи Гулида Омонова «Аёллар дафтари» сабаб ҳаёти яхшиланган юртдошларимиздан бири. Унинг турмуш ўртоғи новвойлик қилади. Икки нафар фарзанди бор. Шу йил қишда Гулида турмуш ўртоғига елкадош бўлишни истади, маслаҳат сўраб, маҳалла идорасига чиқди. Шу тариқа масъуллар унинг оилавий ҳолатини ўрганишди, жорий йилнинг февраль ойида оилага имтиёзли кредит ажратилди.

Қисқа фурсат ичида новвойлик хонадоннинг кундалик ҳаётига айланди: турмуш ўртоғи нон ёпса, Гулида уларни дўконларга етказиб беради. Бир кунда 500-600 та нон ёпилади. Ҳалол меҳнат оилага ҳар куни 1-1,5 миллион сўм атрофида даромад келтиряпти.

– Гулидага йил бошида 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик, – дейди Бўка тумани «Рамадан» МФЙ хотин-қизлар фаоли Муқаддас Норбоева. – Қисқа вақтда оила ўзини эплаб кетди. Ҳозир Гулида Бўка ва Оққўрғон туманларидаги дўконларга нон етказиб беряпти. Улар эндиликда новвойхонани янада кенгайтириб, замонавий цех ташкил этиш, шогирдлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашни мақсад қилган.

Янгийўллик Дилфуза Кулвасова ҳам бугун масъуллардан миннатдор. Боиси яқинда уйини таъмирлаш учун 20 миллион сўмлик қурилиш материаллари олтиб берилди.

– Болаларимнинг бири 9-, иккинчиси 7-синфда ўқийди, уларни бир ўзим катта қиляпман, – дейди у. – Уйимиз таъмирталаб бўлгани учун ёғин-сочин кунлар бошланса, яна чакка ўтади, деган хавотирда мурожаат қилгандим. Мутасаддиларга раҳмат, илтимосимни ерда қолдиришмади.

Яна бир тақдир эгаси – Ангрен шаҳри «Дорилфунун» маҳалласида яшовчи Нигорахон Имомназарова «Аёллар дафтари» кўмаги сабабли ўз бизнесини йўлга қўйди. Дастлаб хонадонида чеварчилик билан шуғулланган эди. Ҳозир эса маҳалла марказидаги чевархонада фаолият юритяпти. Ўзига икки нафар ёрдамчи ҳам олган.

– Тўрт нафар фарзандим бор, ҳунарим орқали рўзғорнинг кам-кўстига ёрдам бераман. 10 миллион сўм имтиёзли кредит олишимда кўмаклашишди. Алоҳида хона беришди. Шукур, мижозлар кўпайди. Топиш-тутишимиз яхшиланди, – дейди ёрдамдан мамнун бўлган аёл.

Бўка тумани «Новобод» маҳалласида яшовчи, уч фарзанднинг онаси Хонимгул Авазованинг тақдири эса «Аёллар дафтари» тизимининг хотин-қизлар саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамиятини яққол кўрсатиб берди.

– 2012 йилдан буён ревматоид полиартрит касаллиги билан курашиб келаман. Ҳар олти ойда даволаниб туришим зарур эди ва бу молиявий томондан осон кечмасди. Мана шу тизим ишга тушиб, махсус имтиёзли ордер билан даволанадиган бўлдим. Жарроҳлик амалиёти ҳам ўтказилди. Ҳозир ҳассасиз бемалол юряпман. Президентимизга, атрофимдаги меҳрибон масъулларга раҳмат! – дейди қувонч билан Хонимгул Авазова.

Ҳа, бугун Гулида, Дилфуза, Нигорахон ва Хонимгул сингари минглаб хотин-қизлар ушбу тизим орқали қўллов ва эътиборни чуқур ҳис қилмоқда. Чунки уларга ёрдам қўли узатиляпти, имконият, ишонч бериляпти. Бундан куч олган аёллар эса оиласи фаровонлигини таъминлашга, мустақил иш юритишга, пировардида, жамиятга наф келтиришга интилиб яшамоқда.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, «Аёллар дафтари»нинг навбатдаги босқичида амалга оширилаётган ишлар доирасида Тошкент вилоятидан 90 мингдан зиёд хотин-қиз рўйхатга киритилди. Шундан 40 мингдан ортиғи иш билан таъминланди, 2 мингга яқини ўз шахсий бизнесига эга бўлди, 400 нафардан зиёдининг уй-жойи таъмирланди. 131 нафарининг саломатлигида муаммолар аниқланиб, 92 нафарида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шунингдек, 42 мингдан зиёд аёлга тиббий, ҳуқуқий ва психологик амалий ёрдам берилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

МЕНГА ИШОНЧ БЕРГАНЛАРГА ТАШАККУР!

Мен ўз ишимни қарз, хавотир, шу билан бирга умид билан бошлаганман... Бугун ортга қараб, ўша кунларни эсласам «Қисқа вақтда қандай қилиб шунча қийинчиликдан ўтдим?» дейман ўзимга...

Ёшим 39 да. Кармана тумани «Айрончи» маҳалласида яшайман. 4 йил олдин «Аёллар дафтари»га киритилгандим. Ўша пайтлари ҳаётимда ўзгариш қилиш, меҳнатим билан даромад топиш, фарзандларимга яхши шароит яратиш ҳақида кўп ўйлардим. Менга 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш имконияти берилди. Бу пул шунчаки маблағ эмас, катта умид бўлганди.

Ишни синглим билан бирга бошладик. Дастлаб саноқли тикув машиналари ва матолар сотиб олдик. Биринчи йил катта фойда кўрмадик. Қарзлар ва харажатлар бор эди. Баъзан «уддалай олармиканман?» деган хавотир ҳам безовта қиларди. Орқага қайтишнинг ҳам иложи йўқ, чунки ортимда икки фарзандим турарди. «Уларнинг яхши ҳаёт кечириши, ҳеч нарсадан кам бўлмаслиги, онасининг қўлидан иш келишини кўриб улғайиши керак» деган фикр ва мақсадим менга куч берарди.

Бугун ўша икки фарзандимнинг ёнимга киргани, қилаётган меҳнатларимнинг энг катта мукофоти бўлса ажабмас. Катта қизим 15 ёшда, кичиги 9. Иккаласи ҳам ҳунарга, санъатга қизиқади, қобилиятли. Балки бу бежиз эмасдир. Чунки оиламизда ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Ҳозир корхонамизда 18 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. 15 турдаги маҳсулот – аёллар учун кийим-бош тикамиз. Навоий ва Тошкент шаҳрида савдо дўконларимиз ишлаб турибди. «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлганимдан кейин эса олдимда бутунлай янги эшиклар очилди. Дунёга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонда ўтказилган халқаро кўргазмаларда иштирок этдим. Ҳар бир сафар мен учун янги тажриба, танишув ва имконият бўлди. Маҳсулотларимизни турли давлатлардан келган инсонларга кўрсатиш, бошқа ҳунармандларнинг ишларини кўриш, янги ғоялар олиш менга катта куч беради.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро «Silk Road Bazaar» миллий ҳунармандчилик ва савдо фестивалида иштирок этиб, сертификат олдим.

Эртанги мақсадим аниқ – 50 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаш. Бу шунчаки бизнес режа эмас, ҳаётимдан келиб чиққан мақсадимдир.

Кеча иш излаган бўлсам, бугун бошқаларга иш бераётганим мен учун энг катта бахт. Бир вақтлар қарз билан бошланган йўл янги орзуларга олиб бормоқда. Бу бахтни менга «Аёллар дафтари» берди, десам адашмаган бўламан. Менга ишонч берганларга ташаккур!

Лобар ЙЎЛДОШЕВА,
Навоий вилояти Кармана туманидаги кичик корхона раҳбари

ДУНЁҚАРАШИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУНЛАР



Бундан уч йил олдинги ҳаётим шундай эди: турмуш ўртоғим билан 5 нафар фарзандни тарбиялар эдик. Болалар улғайгани сайин уларни уйли-жойли қилиш ва келажаги ҳақида бош қотира бошладик. Боз устига, бир ҳовлида икки оила истиқомат қилардик. Турмуш ўртоғим ишлайди. Мен болалар билан овора. Тўғри, томорқадан оз-моз даромад қиламиз. Аммо у нимага ҳам етарди...

Шундай кунларнинг бирида маҳалла хотин-қизлар фаоли Дилёра Набиева уйимизга келиб, «иссиқхона қуринглар, тикувчилик билан шуғулланинглар, имтиёз бор» деди. Мен эса «кредит» деган сўздан чўчирдим. Эртага тўлолмай қолсам, уйдагиларни ташвишга қўяман деган хавотир бор эди.

Маҳалладошимиз Дилноза Мавлонова 15 сотих иссиқхонасидан яхшигина даромад олаётганини эшитгандим. Иккилана-иккилана Дилноза опаникига бордим, иссиқхонасини кўриб, кредитни қандай тўлаётгани билан қизиқдим. У деҳқончилик сирларини ўргатишга ваъда берди. Бу борадаги таклифим турмуш ўртоғим ва қайнонамга ҳам маъқул келди.

Бир ҳафтага қолмасдан ҳовлимизда 6 сотих иссиқхона қад ростлади. «Аёллар дафтари»да бўлганим учун кам фоизли кредит ажратилди. Тиним билмай ишлай бошладик. Болаликдан томорқада, далада ишлаб чиниққаним сабабми, иссиқхонада помидор-бодринг етиштириш сирларини тез фурсатда ўзлаштириб олдим.

Натижа кутилганидан аъло бўлди: биринчи йилнинг ўзидаёқ 70 миллион сўм соф фойда кўрдик. Ишнинг баракасини билгач, кейинги йили яна битта 6 сотихли иссиқхона қурдик. Ҳозирда иссиқхоналарнинг бирига овсиним, иккинчисига ўзим эгалик қиляпмиз. Лекин кучимизни бирлаштириб, барча ишларни ҳамжиҳатликда бажарамиз. Ўтган йили 1,5 тонна помидор етиштириб, 90 миллион сўмга пулладик.

Бу йил 100 миллионни кўзлаяпмиз. Келаси йили яна 3 сотих майдонда иссиқхона қурамиз. Шунда ҳовлимиздаги очиқ жойнинг бари иссиқхонага айланади. Ердан уч марта ҳосил оляпмиз. Ишонасизми, гўшт билан ўсимлик ёғини айтмаганда, бозордан егулик сотиб олмаймиз. Ҳозир ҳовлимизда 20 хил экин бор. Энг муҳими, уларнинг барчаси табиий, кимёвий ўғитларсиз етиштирилган, саломатлик учун мутлақо безарар.

Бундан ташқари, соғин сигиримиз, 3 бош қўй ва 100 та жўжамиз бор. Уларнинг емиши ҳам шу томорқадан чиқади. Меҳнатимиз орқасидан бу йил ҳовлимизда қўшимча 4 хонали уй тикладик. Худо хоҳласа, яқин бир-икки йил ичида ўзимиз учун алоҳида тураржой қуришни режалаштиряпмиз.

Кейинчалик кичикроқ тикувчилик цехи очиш ниятимиз ҳам бор. Қишлоғимизда шу соҳадан барака топаётган аёллар анчагина, пойтахтлик тадбиркорлар буюртмасини бажаришади. Яқинда субсидияга тикув машинаси беришди. Ҳозир аёллар кийими тикиб, пул топяпман.

Айтганча, томорқада ишлашнинг ўзига хос завқи, гашти бор. Куни билан жисмоний меҳнат қилсанг, тунда тиниқиб ухлайсан, хаёлингга беҳуда ўйлар келмайди. Ғийбат-ғурбатдан йироқ бўласан. Охирги пайтларда кимнингдир хонадонида келишмовчилик борлигини эшитсам, ўша оиладагилар меҳнат қилмайди, деган хулосага кела бошладим.

Хуллас, илгаригидек, эртанги кунни ўйлаб, уйкумиз қочмайди. «Аёллар дафтари» сабаб эга бўлганимиз иссиқхоналар, нафақат ҳаётимизни, балки дунёқарашимизни ҳам ўзгартириб юборди. Биз каби хотин-қизларни қўллаб-қувватлаётган Президентимиздан, шунингдек, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турадиганлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳамиша эзгуликлар соғинаётган касаба уюшмалари тизимидан чексиз миннатдорман.

Дилдора БЎРОНОВА
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ БИЛИМ

Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари ҳамкорлигида «Аёллар дафтари»даги 64 нафар хотин-қиз учун саёҳатлар ташкил этилди. Жумладан, Чуст туманидан 50 нафар, Уйчи туманидан 14 нафар опа-сингилларимиз қадимий ва навқирон Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида саёҳатда бўлиб қайтишди.

– Аввало, шундай имконият яратилганидан қувондик, – дейди Сурайё Юсупова. – Янги жойларни кўриш кайфиятимизни кўтарди. Бу келгусида янги мақсадлар билан ишлашимизга ундайди.

Албатта, саёҳатлардан мақсад фақат ҳордиқ чиқариш эмас. Хотин-қизларнинг мазмунли дам олиши баробарида, уларнинг бир-бири билан мулоқот қилиши, қолаверса, тадбиркорлик ҳақида дастлабки билимларга эга бўлиши учун ҳам шароит яратишдир. Хусусан, ташкил этилаётган ўқув-семинарлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Жумладан, Наманган вилояти бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Учқўрғон тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида «Аёллар дафтари»даги ишсиз хотин-қизлар ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёллар учун уюштирилган «Бизнесга илк қадам» ўқув машғулоти жуда қизиқарли ва фойдали кечди.

Унда иштирокчиларга тадбиркорлик йўналишлари, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат грантлари ҳамда ссуда олиш имкониятлари ҳақида маълумотлар берилди.

– Ҳозирга қадар Наманган вилоятидан «Аёллар дафтари»га киритилган 2 минг нафарга яқин хотин-қиз Бўстонликда мазмунли дам олиб, ўқув-семинарларида иштирок этди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича маслаҳатчиси Шавкатбек Қаҳҳоров. – Йил охирига қадар яна 1 минг 300 нафар аёлни Бўстонликка олиб бориш, уларнинг мазмунли дам олиши ва дастлабки тадбиркорлик билимларини эгаллаши учун шароит яратишни режалаштирганмиз. Ўқув машғулотларида малакали психологлар, ҳуқуқшунослар ва тадбиркорлар иштирок этиб, опа-сингилларимизга имкониятларини тўғри баҳолаш, ҳуқуқий масалалардан хабардор бўлиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича тушунчалар беришади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

МАҲАЛЛАДА КАСАБА УЮШМАСИ

Яқинда Олот туманининг «Давлатбой» маҳалласида бўлиб, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказдик. Опа-сингилларимиз билан самимий суҳбатларда уларнинг касб-ҳунар ўрганишга иштиёқи, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга катта қизиқишлари борлигини кўрдик. Айниқса, хотин-қизларнинг нафақат ўз муаммолари, балки жамиятда кечаётган ижтимоий жараёнлар, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятидан ҳам хабардор экани бизни мамнун этди.

Вакилларимизнинг хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни атрофлича ўрганаётгани туфайли қишлоқ аёлларида ушбу жамоат ташкилотига нисбатан ишонч шаклланган. Суҳбат чоғида улар: «Биз каби ўзўзини банд қилган ёки уйда меҳнат қилаётган қишлоқ аёллари ҳам касаба уюшмасига аъзо бўлиши мумкинми?» деган саволларни ўртага ташлашди.

Илгари касаба уюшмалари фақат йирик корхона ва ташкилотлар доирасида фаолият юритган бўлса, бугун манзара бутунлай ўзгармоқда. Шу боис йиғилганларга тажрибамиздан фойдаланиб, аъзоликнинг афзалликлари, ташкилотнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида батафсил тушунча бердик.

Шу тариқа «Давлатбой» маҳалласининг ташаббускор хотин-қизлари ихтиёрий аризалари ва хоҳиш-иродаси билан маҳалланинг ўзида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди. Демократик ва шаффоф тарзда ўтказилган сайловда маҳаллада якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Дурдона Турдиева касаба уюшмаси қўмитаси раиси, аёллар сартароши Садоқат Шодиева эса раис ўринбосари лавозимига сайландилар.

Янги тузилган маҳалла бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўз фаолиятини жадал суръатларда бошлади. Режага кўра, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳамда юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этиш белгилаб олинди. Кечагина 10-15 нафар аъзо билан иш бошлаган ушбу қўмита бугунги кунга келиб, 50 дан ортиқ ўзини-ўзи банд қилган, хонадонида томорқа ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган, қишлоқдошларни атрофида бирлаштирган ижтимоий кучга айланмоқда.

Ҳамид БЕШИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.


Амир Темур

Ислоҳот ва самара

КЎРСАНГ КЎЗ ҚУВНАЙДИ, ЮРСАНГ ЮРАКЛАР...

«Янги Ўзбекистон» массиви бугун бутун Қорақалпоғистоннинг янгиланган қиёфасига айланди

Ҳар бир юрт равнақи унинг чекка қишлоқ ва овулларидаги ободлик, аҳоли турмушидаги фаровонлик орқали баҳоланади. Бугун Қорақалпоғистоннинг Қонликўл туманига борган киши бу ҳақиқатга яна бир бор гувоҳ бўлади. Ҳудуддаги ўзгаришларни фақат янги бинолару равон йўлларда эмас, балки одамлар қалбидаги қувонч, уларнинг турмуш тарзидаги туб ўзгаришларда ҳам кузатиш мумкин.



Магистрал йўл ёқасида қад ростлаган «Янги Ўзбекистон» массиви бугун бутун Қорақалпоғистоннинг янгиланган қиёфасига айланди. Бир вақтлар қаровсиз бўлган жойларда бугун кўзни яшнатувчи замонавий шаҳарча қад ростлади. Хусусан, «Наврўз» маҳалласида бунёд этилган 11 та беш қаватли (330 хонадонли) файзли уйлар юзлаб оилаларнинг бошпанали бўлиш орзусини рўёбга чиқарди.

– Ушбу кўркам массивга оиламиз билан Кўнғиротдан кўчиб келдик, – дейди Фурқат Раҳимбердиев. – Иш жойим Қонликўл туманида. Барча қулайликларга эга 3 хонали уйни имтиёзли кредит асосида 20 йилга расмийлаштирдик. Қўшниларимиз асосан ёшлар. Бизга шундай бахтли ва фаровон ҳаётни туҳфа этган Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

Янги массивда аҳолининг барча ижтимоий эҳтиёжлари ҳисобга олинган. 7,7 миллиард сўм маблағ эвазига қуриб битказилган 180 ўринли замонавий мактабгача таълим ташкилоти жажжи болажонлар ихтиёрига топширилди. 12 миллиард 830 миллион сўм маблағ сарфлаб қурилган 3 қаватли 330 ўринли мактаб энг сўнгги русумдаги лаборатория ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Унда таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳиндистондан ташриф буюрган Саини Аканша ва унинг турмуш ўртоғи Амир Али, шунингдек, халқаро гуманитар лойиҳа асосида Россиядан келган рус тили ўқитувчиси Саглара Дармаева ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Хорижлик мутахассисларнинг айнан шу массивда яшаб, фаолият юритаётгани ҳудуд халқаро майдонга чиқаётганидан далолат беради.

«Янги Ўзбекистон» массивининг яна бир стратегик афзаллиги шундаки, унинг ёнида мамлакатимиздаги йирик саноат марказларидан бири бўлмиш «Кантекс инвест» МЧЖ фаолият юритмоқда. Йилига 9 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхонада бугун 600 нафарга яқин маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган. Германия, Туркия ва Ҳиндистондан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорни, балки бир қатор хорижий мамлакатларни ҳам забт этмоқда.

– Корхонамизда асосан ёшлар меҳнат қилишади, – дейди ишчи Тимур Халмуратов. – Жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган. Биз асосан ускуналар назорати билан бандмиз. Кўп миллатли аҳил жамоада ишлаётганимдан фахрланаман.

Бугун Қонликўл туманида ердан унумли фойдаланиб, мўмай даромад топаётган шижоатли ёшлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. «Арзимбетқум» овулида фаолият юритаётган Муратбай Аралбаев ана шундай шижоатли ёшлардан бири. У раҳбарлик қилаётган «Ер олтин хазина» кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳамда балиқчиликка ихтисослашган «Аралбаев Муратбай» масъулияти чекланган жамияти нафақат туманда, балки республикада ўзига хос илғор тажриба мактабига айланган. Айни пайтда мазкур хўжаликларда ғаллачилик, сабзавотчилик ва балиқчилик тармоқлари бир-бирини узвий тўлдирган ҳолда изчил ривожланмоқда.

2019 йилда ташкил этилган «Ер – олтин хазина» фермер хўжалиги дастлаб ғаллачилик ва полиз экинларини етиштириш билан чекланган эди. Бугунги кунга келиб, унинг фаолият доираси тубдан кенгайди. Хўжалик юқори даромад келтирадиган замонавий мевачиликни ривожлантириш орқали янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Хусусан, қарағат, малина, маймунжон, гожи ҳамда қулупнайнинг серҳосил навларини маҳаллий иқлим шароитига мослаштириб етиштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар чинакам янгилик бўлди.

Истиқболни кўзлаган ёш раҳбар меваларнинг биологик хусусиятларини чуқур ўрганиб, уларни парваришлашда илғор агротехнологияларни қўллади. Хусусан, янги келтирилган нозик кўчатлар қуёшли ўлкамизнинг куйдирувчи нурларидан ҳимоя қилиниши учун махсус соябон тўрлар ўрнатилди, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Хўжаликда 15 нафар фуқаро мавсумий, балиқчилик йўналишидаги корхонада эса кўплаб ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди. Биргина балиқчилик тармоғининг ўзи йиллик 150 миллион сўмдан ортиқ даромад келтираётгани хўжаликнинг иқтисодий қудрати тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қонликўл туманидаги «Янги Ўзбекистон» массиви аҳоли бандлиги, замонавий таълим, тадбиркорлик ва фаровон турмуш тарзини ўзида мужассам этган ислоҳотлар кўзгусидир.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Таассурот



ҚИШЛОҚҚА ҚУВОНЧ КЕЛДИ

Яқинда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида бўлдим. Жонажон диёримиздаги ўзгаришлар, ободликларни кўриб, ниҳоятда севиниб кетдим.

Ҳудуддаги аввалги йиллардаги вазиятни яхши биламан. Бир пайтлар ичимлик сув узлуксиз келадиган, табиий газ ёниб турган, йўллари текис қишлоғу маҳаллаларда вақт ўтиши билан муаммолар кўпайган эди. Йўллар таъмирталаб бўлиб, ичимлик сув хонадонларга келмай қўйди. Одамлар ҳовлисида қудуқ қазиб сув чиқаришга мажбур бўлишди. Электр таъминотидаги узилишлар одатий ҳолга айланганди.

– Уйимизда келину неваралар эрталаб икки соат, кечки пайт яна шунча вақтларини 500-600 метр наридан сув ташишга сарфлашарди, – дейди 65 ёшли онахон Меҳригул Сафарова. – Баъзида ўша ягона кран ҳам бузилиб қолса, қўшнилар ўртада пул йиғиб тузаттирардик. Уста келиб созлагунча сувсиз ўтирардик.

Яқинда туманимиз ҳокими Самандар Остонов қишлоғимизга келиб, аҳоли билан учрашди ва «Бу йил, албатта, маҳаллангизга ичимлик сув олиб келинади. Таъмирталаб кўчаларингизга янги асфальт ётқизилади», деди. Шундан сўнг ишлар бошланиб кетди. Ҳозир Фозил Йўлдош номли қишлоғимиздаги кўплаб кўчаларга асфальт ётқизилиб, обод қилинди.

...Бир неча йил аввал «Ishonch»нинг «Youtube» платформаси орқали Пахтабоши қишлоғи аҳлининг мурожаатини ёритган эдик. Ўшанда одамлар электр таъминотидаги узилишлар, хароб йўллар сабаб таксилар қишлоққа кирмаётгани, туман марказига бориш учун бир неча километр пиёда юришга мажбур бўлишаётганини айтишганди. Мактабга қатнайдиган болаларнинг лой кечиб юриши видеода акс этганди.

Бу гал ҳам ўша манзилда бўлдим. Қишлоқ аёллари қувонч билан, «Кўчаларимизни кўринг, асфальт бўлди. Электр таъминоти ҳам анча яхшиланди. Қийинчиликларимиз ортда қоляпти», дея мамнуният билан гапиришди.

Қўшни «Бўдана» маҳалласида ҳам илгари ёзда чанг, қишда лой бўладиган йўлларга асфальт ётқизилганини кўриб севиндим.

– 2026 йил қишлоғимиз аҳли учун қувончли келди, – дейди пахтабошилик 64 ёшли фахрий педагог Бозорбой Бобомуродов. – Шу пайтгача асфальт кўрмаган йўлларимиз текис ва равон бўлди. Такси чақирамизми, тез ёрдамми, ўз вақтида етиб келяпти. Худо хоҳласа, кузги-қишки мавсумда невараларимиз олдингидек лой кечмасдан мактабга бориб-келишади. Тоза ичимлик сув, электр, дейсизми, шукрки, ҳаммаси навбат билан ҳал этиляпти.

Тумандаги энг катта бунёдкорликлардан бири «Янги Ўзбекистон» массивининг қурилиши бўлди. У ерда 100 га яқин 5 қаватли тураржойлари қурилиб, уйга муҳтож ёш оилалар уйли бўлишди. Ҳудудда янги мактаб ва боғча ҳам фаолият бошлаган. Яқин ойлар ичида фармацевтика корхонаси ишга туширилиб, 500 нафарга яқин кишини иш билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Булунғурдан қайтар эканман, одамларнинг миннатдорлигига сабаб бўлаётган ўзгаришларни кўриб, кўнглимда шундай ўй кечади: инсоннинг раҳмати ва дуоси ҳар қандай ҳисоботдаги рақамлардан қимматли.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Шукуҳ

Арнасой тажрибаси:

БАНКЛАР ҲАЁТИМИЗНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Ғафур Ғулом номли маҳаллада яшовчи Муҳаббат Мирсалова август ойининг ҳар бир тонгини ўзгача қувонч ва шукроналик билан қарши олди. Бунинг сабаби бор, албатта. Бир неча йиллардан буён абгор ҳолатда бўлган хонадони Марказий банкнинг Жиззах вилояти бош бошқармаси ҳомийлигида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.



Очиғи, бунгача аёл уйининг хароблигидан хижолат тортиб яшарди. Энди эса хонадоннинг ичи ва ташқариси сувалди, бўялди. Шифт ва поллар янгиланиб, замонавий эшик-деразалар ўрнатилди. Ҳовли атрофи безакли бетон девор билан ўралиб, бежирим, чиройли дарвоза ўрнатилди.

Аслида, бу уйга эга бўлишнинг ўзи ҳам бир тарих. Бундан 6 йил илгари Муҳаббат опа бир нечта ташкилот кўмаги ва ҳашар йўли билан ушбу бошпанага эга бўлди. Унгача эса 14 йил ижарада яшаб, кўч-кўчлардан безор бўлганди.

Соғлиғидаги муаммо ва иқтисодий аҳволи ночорлиги сабаб Муҳаббат опа уйини таъмирлашни хаёлига ҳам келтира олмасди.

– Марказий банкнинг Жиззах вилояти бош бошқармаси бошлиғи Муҳаммадали Ибрагимов хонадонимиздаги шароитларни шахсан ўрганиб чиққач, уйимиз тўлиқ таъмирлаб берилди, – дейди 59 ёшли Муҳаббат Мирсалова. – Натижада ҳавас қилгулик шароитларга эга бўлдик. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги мен, қизим ва набирам учун қўшалоқ байрамга айланди. Президентимиз олиб бораётган ислоҳотлар туфайли 2020 йилда уйли бўлган эдим. Бугун эса шароитим янада яхшиланди. Давлатимиз раҳбарини ва саховатли банк ходимларини ҳар куни дуо қиламан.

Мустақиллик байрами арафасида икки карра қувонч туйганлардан яна бири – 3 нафар фарзандни ёлғиз тарбиялаётган Шаҳноза Эшбекова. Унинг ҳам хонадони банк ходимлари томонидан қайта таъмирланди: томи, эшик ва деразалари янгиланди, суваш ва пардозлаш ишлари бажарилиб, ҳовлига бетон ётқизилди. Шунингдек, ҳовли атрофи мустаҳкам девор билан ўралиб, товуқхона ҳам қуриб берилди. Эътиборлиси, унинг уйи ҳам 6 йил илгари ҳашар йўли билан тикланган эди.

– Тўғриси, меҳмон келса, мулзам бўладиган аҳволда эдик, – дейди Шаҳноза Эшбекова. – Уч боламни кийинтириш ва боқишдан орттира олмаганим учун қурилиш ва таъмирлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Бугун эса оиламизда ҳақиқий байрам кайфияти ҳукмрон. Банк ходимлари барака топишсин. Байрам совғаси бир умр ёдимизда қоладиган бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, август ойида Арнасой туманида 35 та эҳтиёжманд оиланинг тураржойини мукаммал таъмирлашга киришилди. Уларнинг 10 таси Марказий банк Жиззах вилояти бош бошқармаси ва вилоятдаги тижорат банклари ҳомийлигида мутлақо янги, замонавий кўринишга келтирилди.

Дўстлик маҳалласидаги Водий кўчасида яшовчи, 3 нафар фарзандни ёлғиз тарбиялаётган Дилафрўз Тўрабекова ҳамда унинг маҳалладоши Ҳабиба Маҳатова ҳам ана шундай эътибордан беҳад мамнун.

– Овқатланиш шохобчасида ишлайман, қарамоғимда 6 ёшли қизим бор, – дейди Ҳабиба Маҳатова. – Топаётган даромадим билан уйимни яқин 7-8 йилда ҳам бундай ҳолатга келтира олмасдим. Уйимнинг сиртқи қисми тўлиқ таъмирланди, ҳовлига бетон ётқизилди, деразалар янгиланиб, дарвоза, ҳатто янги ҳаммом қуриб берилди. Биздек эҳтиёжманд инсонларга шундай шароит яратиб бераётган давлатимиз раҳбари ва банк ходимларидан беҳад миннатдормиз.

Эътиборли жиҳати, Марказий банк Жиззах вилояти бош бошқармаси ҳомийлигида таъмирланган 10 та уйда товуқхона қурилган. Тез орада хонадон эгаларига 50 тадан парранда ажратилади. Бундан кўзланган мақсад оилаларнинг доимий даромад манбаини шакллантириш ва иқтисодий аҳволини яхшилашдир.

Мавзуга оид яна бир маълумот: жорий йилнинг 16 июль куни «маҳалла еттилиги» фаолиятини янгича ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Марказий банк масъулларига Арнасой туманини қисқа муддатда камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича аниқ вазифалар берилган эди.

Ўз навбатида, банклар томонидан бугунгача 707 киши ишга жойлаштирилди ҳамда 2095 кишининг даромадлари оширилишига эришилди. Бинобарин, туманда умумий қиймати 11,7 миллиард сўмлик 59 та микролойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 136 нафар фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди. Қолаверса, камбағаллик реестридаги 34 кишига тадбиркорлик соҳасида иш бошлашлари учун 782 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Олтин водий, Ғолиблар, Ғафур Ғулом ҳамда Бобур номли маҳаллаларда яшовчи 73 нафар фуқарога наслли чорва моллари харид қилиш учун 6,3 миллиард сўм миқдорида кредит берилди.

«Айдар-Арнасой» туристик масканига ёндош ҳудудларда эса меҳмон уйлари, савдо ва овқатланиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйишга тегишли 34 та лойиҳа учун 3,6 миллиард сўм йўналтирилди. Аниқки, бу кўрсаткичлар йил охиригача янада ошади.

Мухтасар айтганда, банклар Арнасой туманини иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳудудни камбағалликдан холи қилиш борасида жонбозлик кўрсатмоқда.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»



Кимки ул элга хизмат этар, давлат улуғ,
Кимки халққа ғамхўр бўлур, муҳаббат улуғ.
Алишер Навоий

ДУНЁНИ ТАНИШ ВАТАННИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Кўпчилигимиз гўзалликни, сир-синоатлар ва унутилмас таассуротларни олис юртлардан излаймиз. Париж кўчалари, Анталия соҳиллари, Алп тоғлари ёки Дубайнинг осмонўпар бинолари ҳақида орзу қиламиз. Ваҳоланки, бир лаҳза атрофимизга назар ташласак, ҳар қаричи тарих нафаси билан йўғрилган, табиатнинг бетакрор мўъжизаларини бағрига яширган Ўзбекистоннинг ўзи ҳам ҳали тўлиқ кашф этилмаган хазина эканига амин бўламиз. Буни мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга 6,56 миллион нафар хорижий сайёҳ келган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 25 фоизга кўп дегани.

Яқин йилларгача туризм деганда, асосан хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатиш, тарихий обидаларимизни намойиш этиш ва мамлакатга валюта киритиш тушунилган. Маҳаллий аҳоли эса бу жараённинг кўпроқ кузатувчиси эди. Бугун қарашлар ўзгармоқда. Чунки ички туризм фақат иқтисодиётни ривожлантиришнинг эмас, миллий ўзликни англаш, юртни ҳис этиш ва халқни бирлаштиришнинг ҳам муҳим воситасига айланмоқда.

Ахир инсон ўз Ватанини тўлиқ танимай туриб, дунёни қай даражада англай олади? Фарғоналик ёшнинг Бухоро кўчаларида юриши, хоразмлик оиланинг Зомин тоғларида дам олиши ёки бир юртдошимизнинг Мўйноқда Орол фожиасини ўз кўзи билан кўриши оддий саёҳат эмас. Бу умумий тарихни ҳис қилиш, бир халқ фарзанди эканини яна бир бор англаш демакдир.

Ички туризмнинг энг муҳим йўналишларидан бири зиёрат туризмидир. Самарқанддаги Шоҳи Зинда ва Имом ал-Бухорий мажмуалари, Бухородаги Етти пир зиёратгоҳлари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Ислом цивилизацияси маркази, Фарғонадаги улуғ алломалар қадамжолари халқимизнинг маънавий меросини ўзида мужассам этган муқаддас масканлардир.

Зиёрат инсонни нафақат ибодатга, балки тарих билан юзлашишга ҳам чорлайди. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига борган киши фақат дуо қилиб қайтмайди. У «Даст ба кор, дил ба ёр» деган ҳаётий фалсафанинг мазмунини англайди. Аммо бугун зиёрат туризмининг мазмунини фақат тарих билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Қулай транспорт, тоза санитария, сифатли хизмат, билимли гидлар ҳам замонавий туризмнинг ажралмас қисми бўлиши шарт.

Туризм фақат дам олиш эмас. У транспорт, меҳмонхона, умумий овқатланиш, савдо, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш каби ўнлаб соҳаларга туртки беради. Масалан, Тошкентдан Бухорога саёҳат қилган бир оиланинг сафаридан темир йўл ёки авиакомпания, меҳмон уйи, ресторан, музей ва маҳаллий ҳунарманд ҳам манфаат кўради. Натижада иқтисодий фаоллик ортиб, аҳоли даромади кўпаяди. Айниқса, қишлоқларда ташкил этилаётган оилавий меҳмон уйлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Тоғли ҳудудлардаги хонадонлар сайёҳлар учун эшигини очиб, янги даромад манбаини яратмоқда. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат миграциясини қисқартиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонни фақат Тошкент, Самарқанд, Бухоро ёки Хива билан тасаввур қилиб бўлмайди. Зомин, Бойсун, Нурота, Бахмал тоғлари, Қизилқум саҳролари, Айдаркўл ёнбағирлари, Фарғона водийси боғлари, Риштон кулолчилиги, Марғилон ипакчилиги, Сурхондарё ва Қорақалпоғистоннинг бетакрор табиати ҳам катта сайёҳлик салоҳиятига эга.

Замонавий сайёҳ энди фақат тарихий обидаларни томоша қилиш билан чекланмайди. У миллий таом тайёрлашда қатнашишни, ҳунармандчилик сирларини ўрганишни, маҳаллий аҳоли турмуш тарзини ҳис қилишни истайди. Ана шу жиҳатлар Ўзбекистон туризмининг энг катта устунлиги бўлиши мумкин.

Бироқ соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Кўпчилик юртдошларимиз хорижда дам олиш айрим маҳаллий масканларга нисбатан арзонроққа тушишини таъкидлайди. Бу ички туризмдаги нарх ва сифат мутаносиблиги ҳақида жиддий ўйлашга ундайди. Айрим йўналишларда транспорт имкониятлари чекланган. Поезд ва авиачипталарни топиш қийин. Баъзи дам олиш масканларида хизмат сифати белгиланган нархга муносиб эмас. Тозалик, санитария, сервис маданияти ва меҳмонга муносабат масалаларида камчиликлар бор.

Рақобатни кучайтириш, транспорт имкониятларини кенгайтириш, сервис сифатини ошириш ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш муаммонинг ечими бўлади, албатта. Айниқса, шаҳарлараро йўлларда қулай дам олиш масканлари, тоза ҳожатхоналар, кафе, мини-маркетлар ва электромобиллар учун қувватлаш станциялари ташкил этилса, саёҳат анча қулайлашади. Ички авиақатновларда арзон тарифли рейсларни кўпайтириш ҳам бу борада муҳим қадам саналади.

Уйғоқ ўй

Шу билан бирга, меҳмонхона ходимлари, гидлар, ресторан хизматчилари ва ҳайдовчиларнинг малакасини мунтазам оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки меҳмоннавозлик халқимизга хос фазилат. Уни замонавий сервис маданияти билан бойитсак, натижа янада юқори бўлади.

Этнотуризм ҳам мамлакатимиз учун катта имкониятдир. Риштон кулолчилиги, Марғилон ипакчилиги, Бухоро зардўзлиги, Бойсун анъаналари сайёҳга нафақат маҳсулот, балки унутилмас таассурот ҳам тақдим этади.

Ички туризм ривожланар экан, экологик маданият ҳам унутилмаслиги керак. Зомин ўрмонлари, Чорвоқ соҳиллари ёки тоғ сойлари бўйида қолдирилган чиқиндилар юртимиз гўзаллигига путур етказади. Табиатни асраш, тозаликка риоя қилиш ва бу маданиятни ёшлар онгига сингдириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ватанни севиш фақат уни мадҳ этишдан иборат эмас. Уни таниш, англаш, қадрлаш ва асраш ҳам ватанпарварликнинг энг амалий кўринишидир. Саёҳат инсоннинг дунёқарашини бойитади. Ўз юртини яхши билган инсон эса унинг тараққиёти учун ҳамиша қайғуриб яшайди.

Келинг, янги кашфиётларни узоқ мамлакатлардан эмас, аввало, ўз уйимиздан бошлайлик. Чунки кашф этилишини кутаётган энг катта хазина бу ўз Ватанимиздир!

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Тарихга назар

МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Миллатнинг ўзлигини англаши, аввало, унинг тарихи, тили, маданияти ва қадриятларига муносабатидан бошланади. Ўз ўтмишини билмаган авлод эса аждодлар меросидан куч ва ибрат олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу маънода, истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихини холис ўрганиш, миллий қадриятларни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.
Сўнгги ўн йилликда бу жараён янги босқичга кўтарилди. Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва олимларни қўллаб-қувватлаш кучайиб, тарихий меросни ўрганиш, археологик тадқиқотлар ўтказиш ва маданий объектларни асрашга эътибор сезиларли ортди. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Айни пайтда вилоятда 269 та археологик, 100 та архитектура ва 63 та монументал ёдгорлик давлат рўйхатига олинган бўлиб, уларнинг 273 таси республика аҳамиятига эга.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР СИРЛАРИ

Жиззах заминининг ҳар бир қаричи тарихдан сўзлайди. Зомин туманидаги Миқ қалъаси эрамиздан аввалги II асрга, Тўрткўлтепа карвонсаройи VI–VII асрларга мансуб. Ғаллаорол туманидаги Хонимқўрғон тепалигидан Амир Темур даврига оид иншоотлар қолдиқлари топилган. Тарихий маълумотларга кўра, бу ҳудудда турли даврларда йирик давлатлар марказлари жойлашган, Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқлари ўтган.

Айрим обидалар асрлар оша ўз тароватини сақлаб қолган. Фориштдаги X асрга оид Банд тўғони, Бахмал туманидаги XV асрга мансуб «Новқа» ва Саид Мирҳалуллоҳ масжидлари, Жиззах шаҳридаги XVIII аср охирида барпо этилган Хўжа Нуриддин мадрасаси шулар жумласидан.

Археологик тадқиқотлар бу ҳудуднинг ҳали ўрганилмаган кўплаб сирларини очмоқда. Бахмал туманидаги Музбулоқ маҳалласида жойлашган VII–XI асрларга оид Тўғонбулоқ шаҳри замонавий усуллар ёрдамида тадқиқ қилиниб, бу ерда мустаҳкам мудофаа деворлари, қалъа, кўчалар, майдонлар, устахона ва тураржойлар бўлгани аниқланди. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган шаҳар 120 гектар майдонни эгаллаган.

Тўғонбулоқ яқинидаги VI–VII асрларга оид Тошбулоқ шаҳри ҳам тадқиқотчилар эътиборида. 12–15 гектар ҳудудни қамраб олган ушбу қадимий манзилдан топилган ашёлар бу ерда ҳунармандчилик, савдо ва чорвачилик ривожланганидан далолат беради. Яқинда Зомин туманидаги Пешағор ғори тепа қисмидан сўғдча битикларнинг топилиши эса вилоят тарихининг янги саҳифаларини очди. Бундай тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академияси, Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти мутахассислари ҳамда хорижлик олимлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ТИКЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадимий объектларни ўрганиш билан бирга, улардаги топилмаларни сақлаш ва оммалаштиришга ҳам эътибор кучаймоқда. Бугун вилоят музейларида 32 минг 494 та экспонат сақланмоқда. Археологик қазишмалар кўламининг кенгайиши бу фонд янада бойишини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда археологик тадқиқотлар ҳажми ҳам ошди: илгари йилига ўртача бир ҳудудда қазишма ишлари олиб борилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 3-4 тага етди. Шу кунга қадар 35 та ҳудудда археологик изланишлар ўтказилди.

Маданий мерос объектларини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам изчил давом этмоқда. Фориш туманидаги Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳида 1,5 миллиард сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилмоқда. Ғаллаороддаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида эса бир неча босқичда қурилиш ва реставрация ишлари амалга оширилиб, лойиҳага 10 миллиард сўм йўналтириш режалаштирилган.

Жиззах шаҳридаги «Қалиятепа» археология ёдгорлиги ҳудудида очиқ осмон остидаги музей ва археологлар уйини барпо этиш ишлари бошланган. Янгиободдаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳи, Ҳайдарбек Абдужабборов номидаги музей биноси ҳамда Зоминдаги Пешағор ғорида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Зомин тумани марказида 13 та экспозиция залига эга уч қаватли Зомин тарихи музейи қурилмоқда. Лойиҳани 2029 йилда якунлаш режалаштирилган. Айни пайтда Фориш, Мирзачўл ва Ғаллаорол туманларида музейлар фаолияти йўлга қўйилди. Шароф Рашидов, Зулфия ва Ҳамид Олимжон музейлари капитал таъмирланиб, замонавий талабларга мослаштирилди.

Шу тариқа, Жиззахда маданий меросни асраш ишлари энди фақат тарихий обидаларни таъмирлаш билан чекланмаяпти. Археологик тадқиқотлар, музейлар фаолияти, реставрация ишлари ва янги маданий масканларни барпо этиш ўзаро уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Бу ноёб меросни сақлаш баробарида, уни келажак авлодга етказиш ва жамият маънавий ҳаётига янада чуқур сингдириш имконини бермоқда.

ТАРИХНИ САҚЛАШ КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш йўналишида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Хонбанди», «Култепа шаҳристони», «Миқ» қалъаси ва «Тўрткўлтепа» археология ёдгорликларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича зарур маълумотлар республика Маданий мерос агентлигига тақдим этилган. Вилоятдаги 15 та зиёратгоҳнинг диний идоралар вакилларига топширилиши ҳам уларни сақлаш имкониятларини кенгайтирди. 200 нафардан ортиқ кўнгилли инспектор тарихий объектларни асраш ишларига жалб этилган.

Айни кунларда маданий мерос объектлари атрофига давлат муҳофазасида эканини англатувчи махсус белгилар ўрнатилмоқда. Улардаги QR-кодлар орқали объект ҳақида ўзбек, инглиз ва рус тилларида маълумот олиш мумкин.


Маданий меросга муносабатдаги ўзгаришни аҳолидан тарихий буюмларни харид қилиш учун ажратилаётган маблағларда ҳам кўриш мумкин. Ҳозир бу мақсадга йилига 400 миллион сўм йўналтирилмоқда. Бу эса ноёб ашёларни музей фондларига жалб этиш имкониятини оширмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳам мустаҳкамланди. Илгари маданий мерос билан ишлаш учун бир нафар ходим фаолият юритган бўлса, бугун Жиззах вилояти маданий мерос бошқармасида 14 нафар мутахассис ишламоқда. Идора замонавий шароитларга эга, хизмат транспорти билан таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, Жиззахда амалга оширилаётган ишлар эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Қадимий қалъалар, шаҳар харобалари, масжид ва мадрасалар, музейлардаги ноёб экспонатларнинг барчаси халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ғурури ва маънавий таянчидир. Шу боис маданий меросни асраш фақат соҳа мутахассисларининг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Зеро, тарихни сақлаш – кечмишни асрашнинг ўзи эмас, балки келажак авлод учун мустаҳкам пойдевордир.

Синдор ҚОРАБОЕВ,
Жиззах вилояти маданий мерос бошқармаси бошлиги


Фориштдаги X асрга оид Банд тўғони.


Жиззах шаҳридаги «Қалиятепа» археология ёдгорлиги.


Зомин туманида жойлашган «Миқ» қалъаси.

Эълонлар

Erieltor

«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТАШКИЛЛАШТИРИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР ВА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «O‘zsanoatqurilishbank» АТБ балансида бўлган қуйидаги мулк қўйилмоқда:

– Хоразм вилояти, Боғот тумани, «Олтинқум» МФЙ, Буюк мақсад 1-тор кўчаси, 17-уйда жойлашган уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш устахонаси биноси.

Талабгорлар сотиш шарти ва нархи билан www.e-rieltor.uz сайти орқали, савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиши, савдода иштирок этиш учун e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Телефон:
+99855-517-22-20.

Расмий сайт:
www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 30 октябрда Давлат рўйхатидан ўтказилган «MAROKAND LOMBARD» МЧЖнинг (СТИР: 305828981) юридик манзили Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Мустақиллик» маҳалласи, Бўстонсарой кўчаси, 40-уйдан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, 37-уй, 17-хонадон манзилига ўзгаргани маълум қилинади.

***

Навоий шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 29 апрелда Давлат рўйхатидан ўтказилган «NAVOIY LOMBARD PLUS» МЧЖнинг (СТИР: 308447118) юридик манзили Навоий вилояти, Навоий шаҳри, «Ёшлик» маҳалласи, Маҳмуд Таробий кўчаси, 88-уй, 2-хонадондан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, 37-уй, 17-хонадон манзилига ўзгаргани маълум қилинади.

***

Урганч шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 18 октябрда Давлат рўйхатидан ўтказилган «XORAZM LOMBARD PLUS» МЧЖнинг (СТИР: 308967436) юридик манзили Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, «Тоза-боғ» маҳалласи, Ободлик кўчаси, 4-уй, 30-хонадондан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, 37-уй, 17-хонадон манзилига ўзгаргани маълум қилинади.

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Муҳаммаджон КАРИМОВ ижросида

УШШОҚ (Қаро кўзим)

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Алишер Навоий ғазали.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o’rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:00
Topshirildi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta
Shundan: 6 521 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-811

1 2 3 4 5 6